

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

2 /22- сонли шартнома

«20» январь 2022 йил

Жондор ш

Жондор туман 2-сон касб-хунар мактаби (бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ш.Тешаев бир томондан ва Жондор туман Худудгазтаъминот (бундан бўён «Етказиб берувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Қ.Козимов иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни «Етказиб берувчи» ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Етказиб берувчи» табиий газ етказиб беришни фақат «Истеъмолчи»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига асосан 2022 йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 14545 куб.метрни, нарҳи, $P = \text{кгс/см}^2 \cdot 660 \text{ сўм}$ 00 тийинни ташкил қилади,

шундан бюджет маблағлари ҳисобидан **7999860** (Етти миллион туккиз юз туксон туккиз минг саккиз юз олтмиш) сўм,

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 0,0сўм.

шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қароридан курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир

1 чорак	12121 куб.м.	январ	4848	феврал	4848	март	2425
2 чорак	_____ куб.м.	апрел	_____	май	_____	июнь	_____
3 чорак	_____ куб.м.	июл	_____	август	_____	сентябр	_____
4 чорак	_____ куб.м.	октябр	_____	ноябр	_____	декабр	_____

1.4. «Истеъмолчи» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «Етказиб берувчи» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил тақсимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида «Етказиб берувчи» томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортиқ «Истеъмолчи»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш деб ҳисобланмайди. ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам булмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади. (Бюджет ташкилотлари учун камида 100 фоиз миқдорида олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади.)

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. « Етказиб берувчи » 1.3. бандда кўрсатилган ҳажмда «Истеъмолчи»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди. $T=20^{\circ}\text{C}$, $P=760$ мм симоб устуни,)да ҳисобланади.

2.2. «Истеъмолчи» ой мобайнида бир маромда, газ истеъмолининг ўртача кунлик меъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларида кўрсатилган ҳажмда « Етказиб